

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети
қошидаги “Ёш олимлар кенгаши”
НИЗОМИ**

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) қошидаги “Ёш олимлар кенгаши” университет академиклари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг йирик корхона ва ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассислари ва ёш олимларнинг жамоат ташкилоти бўлиб, илмий-тадқиқот ва ижод билан шуғулланувчи ёшларни бирлаштириш, уларни илмий-тадқиқот фаолиятига тизимли асосда йўналтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ҳамда янги илмий мактабларни шакллантиришга замин яратиш, ёш олимлар касбий ва ижтимоий-маиший миқёсдаги илмий ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, университетда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш орқали таълим сифатини ошириш ва шу тарзда илмий кадрлар тайёрлашнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда ёш олимлар ижодий ютуқларини тарғиб қилишда қўмаклашиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

1.2. ТАТУ қошидаги “Ёш олимлар кенгаши” (кейинги ўринларда - Кенгаш) университет академиклари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг йирик корхона ва ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассислар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрант талабалардан иборат таркибда шаклланган (кейинчалик – ёш олимлар) жамоат ташкилоти ҳисобланади.

1.3. Кенгаш барча имкониятларини қўллаган ҳолда ёш олимлар ижодий фаоллигини ривожланишига, уларнинг мутахассисликлари бўйича камол топишига, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги муҳим илмий ва амалий муаммоларнинг илмий жиҳатдан ечимини топишга қўмаклашади, ёш тадқиқотчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, ўз салоҳият ва имкониятларини тўлиқ намоён этишларига ёрдамлашади ва шароит яратади.

1.4. Кенгаш фаолияти ёш олимлар жамоат ташкилотининг асосий йўналишлари ва фаолият шаклини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Кадрларни тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) ва Ўзбекистон республикаси ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг (ЎЗР АТ ва КРВ) буйруқлари, қарорлари ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низомга асосан олиб борилади.

1.5. Кенгаш ўз фаолиятида Университетга, ЎЗР АТ ва КРВ ва ОЎМТВга бўйсунди ва ҳисобот беради.

I. КЕНГАШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Кенгашнинг асосий мақсади – олий таълим тизимида ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига тизимли асосда йўналтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ҳамда янги илмий мактабларни шакллантиришга замин яратиш, ёш олимлар касбий ва ижтимоий-маиший миқёсдаги илмий-ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини изчил ривожлантириш асосида илмий тадқиқотлар билан мунтазам шуғулланувчи ёшларни бирлаштириш, университет академиклари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг йирик корхона ва ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассислари томонидан уларнинг мутахассисликлари ва ижтимоий соҳаларга оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш – шу тарзда юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қўмаклашишдан иборат.

2.2. Ёш олимларни университет академиклари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг йирик корхона ва ташкилотларининг раҳбарияти,

тажрибали мутахассислари маслаҳатлари ва кўмагида мамлакат илм-фани учун долзарб, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, ҳалқимиз маънавияти ва маданиятининг юксалишига кўмаклашувчи фундаментал, амалий ва инновацион йўналишлардаги илмий фаолиятга жалб қилиш.

2.3 Ёш олимлар фаолияти орқали илм-фаннинг устувор йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб боришда устоз-шоғирд тизимини шакллантириш.

2.4. Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасалари ҳамда бошқа илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ёш олимларнинг ижодий фаоллигини кучайтириш, илмий анжуманлар, семинарлар ўтказишга кўмаклашиш.

2.5. Ёш олимларнинг илмий тадқиқот иши натижаларини умумлаштириш ва унинг янги шакллариини излаш, ОЎМТВ муассасалари ва ЎЗР АТ ва КРВ соҳа корхоналарида тадқиқ этишда барча имкониятларни ишга солган ҳолда ташаббускорлик кўрсатиш.

2.6. Республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш учун ёш олимларнинг илмий сафарларини режалаштириш ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш.

2.7. Ёш олимларнинг етакчи илмий марказлар ва ОТМлардаги хорижий ҳамкасблари билан ўрнатилган тартибда фаол халқаро ҳамкорлигини ташкил этиш, хорижий давлатларнинг нуфузли илмий марказ ва муассасалари билан илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, анжуманлар, семинарлар ва бошқа илмий тадбирларда иштирок этишга, хорижий мамлакатларнинг илмий журналларида мақолалар эълон қилишга кўмаклашиш.

2.8. Ёш олимлар илмий ишлари натижаларини университет академиклари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг йирик корхона ва ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассислари томонидан мунтазам муҳокама этиш, давлат грантлари, хорижий мамлакатлар грантлари ва хўжалик шартномаларида ёш олимлар иштирокини таъминлаш, энг яхши ва Республика учун устувор ҳисобланган илмий тадқиқот натижаларини университет ва соҳа ташкилотлар журналларида нашр этиш ва оммалаштиришга кўмаклашиш.

2.9. Ўз фаолияти давомида юқори натижаларга эришган ёш олимларни рағбатлантириш бўйича тавсиялар бериш.

2.10. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг йирик корхона ва ташкилотларидаги моддий техник базасида илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш.

2.11. Ёш олимларнинг фаолиятини қўллаб-қувватловчи грант ажратувчи ташкилотлар тўғрисида маълумотлар йиғиш ва улар ҳақида ёш изланувчиларни хабардор қилиш.

II. КЕНГАШНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

3.1. Кенгашнинг таркиби университет академиклари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг йирик корхона ва ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассислари ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрант талабалардан иборат бўлиб, Университет ректори буйруғи билан тасдиқланади.

3.2. Кенгаш раиси ва котиби олий таълим муассасаларидаги ёш олимлардан иборат аъзолардан, жамоатчилик асосида Кенгаши йиғилишида 2 йилгача муддатга сайланади.

3.3. Кенгаш ҳар ойда бир марта йиғилади.

34. Кенгаш йиғилишлари орасидаги даврда унинг фаолият йўналишига доир тезкор масалаларни Кенгаш котибияти (университет академиклари, раис, унинг муовини ва котибдан ташкил топган таркибда) ҳал қилади.

35. Кенгаш раиси:

- Кенгашнинг расмий вакили ҳисобланади, ўзининг ваколати доирасида Кенгашнинг барча ишларини ташкил этади ва бошқаради, кенгашнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқасини амалга оширади, Кенгаш фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга имзо чекади;

- Кенгаш йиғилишларининг ўтказилиш вақти ва кун тартиби тўғрисида қарор қабул қилади;

- Кенгаш номидан олий таълим муассасалари ёш олимлари талаб ва истакларини ҳимоя қилади;

- Кенгаш раиси йилда бир марта қилинган ишлар юзасидан кенгаш йиғилишида ҳисобот беради;

- Белгиланган мақсад ва вазифалари, иш режасининг амалга оширилиши – умумий фаолияти юзасидан ҳар ярим йилда университет Илмий Кенгаши йиғилишида ҳисобот беради.

36. Йиллик ҳисобот натижасига асосан Кенгаш унинг ваколатини тўхтатиш ва янги раис сайлаш ҳуқуқига эга.

37. Раис ваколатини тўхтатиш ёки давом эттириш тўғрисидаги қарор яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади, агарда аъзоларнинг камида учдан бир қисми фаолиятни тўхтатиш таклифи билан чиқиб, аъзоларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган ҳолларда.

38. Кенгаш раиси хизмат сафари, бетоблиги, таътилда бўлган вақтда унинг вазифасини Кенгаш раиси ўринбосари бажаради.

39. Кенгаш раиси ва котиби Университет томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

III. КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ

4.1. Кенгаш ўзининг фаолиятида:

- жорий йил учун ўзининг режаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни тинглайди. Кенгаш тадбирлари, илмий анжуманлари, семинарлари режаларини тасдиқлайди, тадбирларга тайёргарлик ва ўтказиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни тинглайди.

- Ёш олимларни мунтазам равишда университет академиклари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасининг йирик корхона ва ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассисларини маърузаларини режа асосида ташкиллаштиради.

- Университетда фаолият юритаётган академикларнинг омавий-ахборот воситалари (телевидение, радио, соҳа газета ва журналлар)да ахборот-коммуникация технологиясини ривожлантириш бўйича долзарб мавзуларда илмий-оммабоп материаллар билан чиқишини ташкиллайди.

- Тошкент ахборот технологиялари университети Илмий Кенгашига илмий-тадқиқот ишида муҳим ютуқларга эришган ва ижтимоий фаол ёш олимлардан раҳбар кадрлар захираси бўйича таклифлар киритади.

- Университет Ёш олимлар кенгаши фаолиятини мувофиқлаштиради.

- Ёш олимларни ФТРМДК, ЎЗР АТ ва ҚРВ, ОЎМТВ ва университетдаги “Янги ғоя, инвестиция, инновация” Фонди ташкил этган танловларга ёшларни жалб этади ва тақдим этилаётган лойиҳаларни муҳокама этади.

- ЎЗР ОЎТВга, ЎЗР АТ ва ҚРВ ҳамда Университет раҳбариятига ёш олимларни йўналишлар бўйича хорижга илмий тажриба ва малака оширишга, ҳалқаро илмий анжуманларда иштирок этишга юбориш тўғрисида таклифлар киритади.

- Кенгаш йиғилишларида хорижий илмий-марказлар ва муассасаларда малака оширган ёш мутахассисларнинг ахборотини тинглайди.

- ЎЗР ОЎТВга, ЎЗР АТ ва ҚРВ ҳамда Университет раҳбариятига ёш олимларнинг энг яхши ишларини тақдирлаш бўйича таклифлар киритади.

- Университет ёш олимларининг ютуқлари ва эришаётган натижалари тўғрисидаги маълумотларни оммалаштиради.

- кенгаш таркибига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни кўриб чиқади ва муҳокама этади.

4.2. ТАТУ Илмий Кенгашига қуйидаги масалалар бўйича:

- университет академиклари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар ва ёш мутахассисларнинг илмий ишларидаги юқори кўрсаткичлари учун тақдирлаш тўғрисида;

- университет академиклари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар ва бошқа ёш олимларга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида;

- университет академиклари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар ва ёш олимларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида;

- ўқув курсини муваффақиятли тугатган ва диссертациясини ҳимоя қилган ёш олимларни иш ўринлари билан таъминлаш масаласига таклифлар киритади.

IV. КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Кенгаш аъзоси ҳуқуқлари:

- Кенгаш аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эгадирлар ва ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тенг ҳуқуқлилиқ асосида фойдаланадилар.

-Кенгаш йиғилишида қатнашиш, Кенгаш фаолиятига оид асосланган таклифларни университет илмий-техник кенгашига киритиш.

5.2 Кенгаш аъзосининг мажбурияти:

- Кенгаш фаолиятига тегишли қарор, мажбурият ва топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариш;

- Ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган Кенгаш фаолиятига тааллуқли бўлган топшириқ ва мажбуриятларни виждонан, фаол ва ижодий бажариш.

V. КЕНГАШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 Катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрант талабалар ва ёш олимлар илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва режалаштиришда кўмаклашиш, уларга илмий-тадқиқотни муваффақиятли амалга оширишлари учун

тегишли шароит яратишда ёрдам кўрсатиш, уларнинг манфаатларини ваколат доирасида ҳимоя қилиш.

6.2 ТАТУ раҳбариятини катта илмий ходим-изланувчи, мустақил изланувчилар ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий-тадқиқот фаолиятидаги муаммолари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш ҳамда ушбу муаммонинг ечими тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритиш.

6.3 Катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистрант талабалар ва ёш олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича уларга кўмаклашиш ва бу борада тегишли таклифларни тайёрлаш.

VI. КЕНГАШНИНГ ИШ ТАРТИБИ ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

7.1 Кенгаш ўз ишини Кенгаш йиғилишида қабул қилинган ва Кенгаш раиси томонидан тасдиқланган йиллик режага биноан амалга оширади.

7.2 Кенгашнинг мажлислари, йиғилишлари ва бошқа тадбирлари Кенгаш раиси ва котиби томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

7.3 Кенгаш ҳужжатларини расмийлаштиришни Кенгаш котиби амалга оширади.

7.4 Қабул қилинган қарорлар бажарилишининг назорати Кенгаш раиси томонидан амалга оширилади.

VII. КЕНГАШ НИЗОМИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Кенгаш томонидан киритилади ва Кенгаш аъзоларининг 2/3 қисми иштирок этган умумий йиғилишда очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Умумий йиғилишда қатнашаётган Кенгаш аъзоларининг 2/3 қисми Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни ёқлаб овоз берганда Низомга ўзгартириш қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Кенгаш фаолиятининг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши университет ректори буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ «ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ» ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш.	Туғилган йили	Иш жойи ва лавозими	Илмий даражаси ва унвони
1.	Ғуломов Шерзод Ражабоевич (Раис)	1983 йил	ТАТУ, “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси	PhD, доцент
2.	Рўзибоев Ортиқ Бахтиёрович (раис ўринбосари)	1986 йил	ТАТУ, АТДТ кафедраси	PhD, доцент
3.	Сайфуллаев Шерзод (котиб)	1994 йил	ТАТУ, КИФ 2-чи босқич магистранти	-
4.	Раджабов Телман Дадаевич	1934 йил	ТАТУ ЎзР ФА академиги	ф-м.ф.д., профессор
5.	Бекмурадов Тўлқин Файзиевич	1935 йил	ТАТУ ЎзР ФА академиги	т.ф.д., профессор
6.	Камилов Мирзаян Мирзаахмедович	1936 йил	ТАТУ ЎзР ФА академиги	т.ф.д., профессор
7.	Абдуллаев Жура Абдуллаевич	1927 йил	ТАТУ ЎзР ФА академиги	т.ф.д., профессор
8.	Джуманов Жамолжон Худайкулович	1968 йил	Компютер тизимлари кафедраси мудири	т.ф.д., доцент
9.	Бабомурадов Озож Жўраевич	1976 йил	Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти кафедраси мудири	т.ф.д., доцент
10.	Рахимов Нодир Одилевич	1982 йил	Информатика асослари кафедраси мудири	т.ф.д., доцент
11.	Бекназарова Саида Сафибуллаевна	1986 йил	ТАТУ АВТ кафедраси	т.ф.д., доцент
12.	Ганиев Абдухалил Абдужалилович	1958 йил	ТАТУ АХТ кафедраси мудири	т.ф.н., доцент
13.	Керимов Комил Фикратович	1984 йил	ТАТУ, ТАД кафедраси мудири	т.ф.н., доцент
14.	Рахматов Фуркат	1984 йил	ТАТУ, КТ кафедраси	т.ф.н., доцент
15.	Носиров Хабибулло Хикматулло ўғли	1989 йил	ТАТУ, ТТ кафедраси	PhD, доцент
16.	Мурадова Алевтина Александровна	1982 йил	ТАТУ, ТИ кафедраси катта ўқитувчиси	PhD
17.	Тошматов Шунқор Ташпулатович	1986 йил	ТАТУ, Э ва Р кафедраси катта ўқитувчиси	PhD
18.	Пузий Анастасия	1985 йил	ТАТУ, ТРЭТ кафедраси катта ўқитувчиси	PhD
19.	Абдурахманова Юлдуз Мухтарходжаевна	1971 йил	Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш кафедраси мудири	т.ф.н., доцент
20.	Давронбеков Дилмурод Абдужалилович	1972 йил	Радио ва мобил алоқа факультети декани	т.ф.н., доцент

21.	Джабборов Шухрат Юлдашевич	1965 йил	Маълумотларни узатиш тармоқлари ва тизимлари кафедраси мудири	т.ф.н., доцент
22.	Тўлаганов Абдухалил Абдужалилович	1959 йил	Электроника ва радиотехника кафедраси мудири	т.ф.н., доцент
23.	Эшмурадов Абдимурод Менташевич	1954 йил	Телекоммуникация инжиниринги	т.ф.н., доцент
24.	Худойкулов Зариф Туракулович	1988 йил	ТАТУ, КДМ кафедраси катта ўқитувчиси	PhD
25.	Шамшиева Барно Махмуджоновна	1983 йил	ТАТУ, АХТ кафедраси катта ўқитувчиси	-
26.	Насруллаев Нурбек Бахтиёрович	1989 йил	ТАТУ, АХТ кафедраси катта ўқитувчиси	-
27.	Дошанова Малика Юлдашевна	1979 йил	ТАТУ, “АТДТ” кафедраси катта ўқитувчиси	-
28.	Шукуров Камолиддин	1984 йил	ТАТУ, КТ кафедраси катта ўқитувчиси	-
29.	Умаров Шухрат Азизжонович	1981 йил	ТАТУ ФФ, Ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси	-
30.	Насимов Рашид	1987 йил	ТАТУ, КТ кафедраси катта ўқитувчиси	-
31.	Норматов Шербек Бахтиёрович	1986 йил	АТТ кафедраси катта ўқитувчиси	-
32.	Файзиева Дилсора Салимовна	1988 йил	ТАТУ, катта илмий-ходим изланувчи	-
33.	Холинтаева Иқбол Убайдуллаевна	1984 йил	ТАТУ, катта илмий-ходим изланувчи	-
34.	Исломов Шаҳбоз Зокир ўғли	1990 йил	ТАТУ, Катта илмий-ходим изланувчи	-
35.	Зокиров Одилжон Ёқубжон ўғли	1992 йил	ТАТУ, Катта илмий-ходим изланувчи	-
36.	Раджабов Озод Сатторович	1988 йил	ТАТУ ИТБ бошлиғи	-
37.	Абдужалилов Жавлон Адилевич	1987 йил	ТАТУ Халқаро алоқалар бўлим бошлиғи	-
38.	Мирзаева Малика Бахадировна	1988 йил	ТАТУ, ТБТАДТ кафедраси ассистенти	-
39.	Бердиев Алишер Аликулович	1987 йил	ТАТУ, ТТ кафедраси ассистенти	-
40.	Бекмирзаев Обиджон Нуралиевич	1989 йил	ТАТУ, АХТ кафедраси ассистенти	-
41.	Қорабоев Элдор Алижонович	1987 йил	ТАТУ, АХТ кафедраси ассистенти	-
42.	Қахрамонов Элбек Қувондиқ ўғли	1990 йил	ТАТУ, АХТ кафедраси ассистенти	-
43.	Муминова Сунбула Шахзодовна	1988 йил	ТАТУ, АХТ кафедраси ассистенти	-
44.	Алябев Иван Валерьевич	1992 йил	ТАТУ, АХТ кафедраси ассистенти	-
45.	Худойбердиев Азиз	1991 йил	ТАТУ, АХТ кафедраси ассистенти	-
46.	Мардиев Улуғбек Расулович	1988 йил	ТАТУ, КДМ кафедраси ассистенти	-

47.	Алланов Ориф Менлимуратович	1988 йил	ТАТУ, КДМ кафедраси ассистенти	-
48.	Давронова Лола Ўктамовна	1988 йил	ТАТУ, КДМ кафедраси ассистенти	-
49.	Каримов Абдуқодир Абдисаломович	1990 йил	ТАТУ, КДМ кафедраси ассистенти	-
50.	Олимов Искандар Салимбойвич	1989 йил	ТАТУ, КДМ кафедраси ассистенти	-
51.	Хамидов Шерзод Жалолдин ўғли	1990 йил	ТАТУ, КДМ кафедраси ассистенти	-
52.	Газиев Хушнуд Гайбуллаевич	1986 йил	ТАТУ, ТРЭТ кафедраси ассистенти	-
53.	Исроилов Жамшид Дилшодович	1983 йил	ТАТУ, Мобил алоқа технологиялари кафедраси ассистенти	-
54.	Алимджанов Хаёт Фарходович	1987 йил	ТАТУ, Мобил алоқа технологиялари кафедраси ассистенти	-
55.	Хусанов Шерзод Тиркашалиевич	1982 йил	ТАТУ ТТИ кафедра катта ўқитувчиси	-
56.	Хасанов Фарход Худаярович	1984 йил	ТАТУ Физика кафедра ассистенти	-
57.	Балтаев Жўшқин Болтабаевич	1986 йил	ТАТУ, МУТ ва Т кафедраси ассистенти	-
58.	Махмудов Салимжон Олимжонович	1988 йил	ТАТУ, МУТ ва Т кафедраси ассистенти	-
59.	Абдуллаев Миржамол Миркамилович	1988 йил	ТАТУ, МУТ ва Т кафедраси ассистенти	-
60.	Саидахмадов Мақсуд Боймаматович	1990 йил	ТАТУ, МУТ ва Т кафедраси ассистенти	-
61.	Қодиров Азамат Алмат ўғли	1991 йил	ТАТУ, МУТ ва Т кафедраси ассистенти	-
62.	Матқурбонов Дилшод Матқурбон ўғли	1991 йил	ТАТУ, МУТ ва Т кафедраси ассистенти	-
63.	Соатов Ҳусан	1987 йил	ТАТУ, ТИ кафедраси ассистенти	-
64.	Мадрахимов А.Х.	1989 йил	ТАТУ, ИА кафедраси ассистенти	-